АДОЛАТ
ҲАР ИШДА
ҲАМРОҲИМИЗ
ВА
ДАСТУРИМИЗ
БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил
26 ФЕВРАЛ
сешанба
№ 8 (264)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

## КЕЧА... ВА БУГУННИНГ РАҲБАРИ

* **КЕЧАГИ ВА БУГУНГИ ҚАРАШЛАР ТАФОВУТИ**
* **РАҲБАРЛИК — ИМТИЁЗ ДЕГАНИ ЭМАС**
* **СИЗНИ НЕГА САЙЛАГАНДИК, РАИС?**
* **РАҲБАРНИНГ ЮРАГИ ЁНИБ ТУРИШИ КЕРАК**

Хабарингиз бор, 21 февраль куни халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибига қўйилган масалалар ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг эътиборини ўзига тортди. Мамлакатимиз раҳбари вилоят сессиясида сўзлаган нутқида бир масалага алоҳида тўхталиб ўтди. **Бугуннинг раҳбари: у қандай бўлиши керак?!.**

Албатта, бу муаммо кун тартибига фақат бугун қўйилаётгани йўқ. Президентимиз аввалги нутқларида, кенг жамоатчилик билан учрашувларда бу ҳақда кўп бор таъкидлаган.

Хўш, Юртбошимиз айни мавзуга нега қайта-қайта мурожаат қилаётир? Унинг замирида қандай маъно-мазмун мужассам?

Келинг, бу саволимизга жавобни юқоридаги нутқнинг ўзидан қидириб кўрайлик. Юртбошимиз бугунги кун раҳбари ҳақида сўзлар экан, шундай деди:

**— ...Биз раҳбар одамнинг қандай фазилатларга, қандай хусусиятларга эга бўлиши ҳақида кўп гапирамиз. Бу масала барча мажлисларда, анжуманларда, турли фикр алмашувларда асосий мавзу бўлиб, диққатимиз марказида тургани ҳам бежиз эмас.**

**Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Бу баландпарвоз гап эмас. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак.**

Дарҳақиқат, бугун ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз кўрсатаётган, халқимиз ўз олдига келажаги буюк давлат қуриш каби олий мақсадни қўйган экан, бу жараёнда хоҳ катта, хоҳ кичик — ҳар бир раҳбарнинг фидойилиги, ташаббускор ва эртанги кун ташвиши билан ёниб яшаши алоҳида аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Ислоҳотлар жараёни ҳар бир раҳбардан Президентимиз таъкидлаганидек, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиб, яшашни талаб қилмоқда.

Бугун кечаги тасаввур, дунёқараш ва иш услуби билан одамларни ортимдан эргаштираман, деган раҳбар қаттиқ янглишади. Аксинча, шундай кайфиятдаги раҳбарнинг ўзи элнинг назаридан қолади. Чунки мустабид тузум даври билан бугунги кундаги раҳбар деган тушунчалар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Шўро даврида мансабга имтиёз берувчи восита деб қаралар, раҳбар бўлиб сайланган, аниқроқ айтганда, тайинланган ҳар бир киши алоҳида имтиёзларга эга ҳам бўларди. Энг даҳшатлиси, шўро замонида раҳбар дегани ташаббус кўрсатиши, мустақил фикр юритиши шарт эмас, балки юқоридан келган кўрсатмани кўр-кўрона бажаришга маҳкум эди. Шунингдек, ташаббус кўрсатган, мустақил фикр юритган раҳбар шубҳасиз жазога тортиларди.

Хўш, биз бугун бу гапларни нега эслаяпмиз?

Шуни очиқ айтиш керакки, бугун ҳам ҳаётимизда оз бўлса-да, кечаги тасаввур билан яшаётган, янгиликни ҳис этмайдиган, раҳбарликни имтиёз деб биладиган ва шуни восита қилиб, нопок ишларга қўл ураётган кимсалар учраб туради.

Яқинда вилоятдан келган бир танишимиз шундай воқеани айтиб берди: жамоа хўжалигига янги раҳбар сайланибди. Албатта, янги раиснинг ҳам киндик қони шу жамоа хўжалигида тўкилган, унга маҳаллий шароит ҳам, одамлар ҳам яхши таниш экан. Янги раис аввалига енг шимариб астойдил ишлади, одамларнинг кўнглига йўл топди. Хўжалик аъзоларининг олинмай қолган меҳнат ҳақини олиб берди. Кўп болалик, қаровчиси йўқ оилаларни қўллаб-қувватлади, ёрдам сўраб келганларга ёрдам берди. У тез орада элнинг назарига тушди. Ҳали ўзи ёш бўлишига қарамай, давраларнинг тўридан жой олди. Бироқ тез орада мансабнинг ҳавоси кўтардими, унда димоғдорлик кўзга ташлана бошлади. Илгари у ҳамма билан қўл бериб кўришар эди, кейинчалик салом берсангиз, бош ирғаб қўядиган, одам ажратадиган одат чиқарди. Энг ачинарлиси, ўтган йили экиш мавсумида томорқа олиб, ҳали иморат қуришга имкони бўлмаган юртдошларининг томорқа учун ажратилаган ерларини пахта даласига қўштириб юборди. Энди томорқа олганига уч-тўрт йил бўлиб қолганлар эккан ниҳоллари бўй чўзиб қолган эди. Олди ҳосил бераётганди. Томорқа уватларига уй қурамиз, деган яхши ният билан экилган тераклар танаси кучоқни тўлдирай деб қолганди. Бир кунда ҳаммасини булдозер билан суддириб ташлади. Ҳамқишлоқларининг оҳу зорига ҳам қулоқ солмади. Ўшанда кекса отахонларимиздан бири унга "гуллаган дарахт ҳомиладор аёлга ўхшайди, бугун буларни суғуртириб ташласанг, эртага уволига қоласан. Ҳеч қурса, кузгача тегма", қабилида насиҳат қилган бўлди. Қайда, раис ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмади...

Албатта, бировнинг ғамидан хурсанд бўлиш яхши одат эмас, лекин раисимиз кузга бормай ишдан олинди. Хўш, ўша раисдан нима қолди?! Бугун ҳамқишлоқларимиз унинг номини яхши гап билан эсга олишмайди... Ўзини билган одамга шундан ортиқ жазо борми?!.

Юртбошимиз ўз нутқида бугунги кун раҳбарининг фазилатлари ҳақида фикр юритиб, шундай таъкидлади:

**— Биз кўпинча, раҳбар ақлли, доно, билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон ақлли, доно ва билимдон бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор.**

Ёниб яшаш, деганда халқнинг дардига дармон бўлиш, деган маъно тушунилмайдими?!. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: Бошида бутун бир мамлакатнинг ички-ю ташқи ташвишлари турган одам бу ҳақда бош қотиради-ю, нега энди жойларга мутасадди бўлган раҳбарлар бу ҳақда ўйламайди? Улар ўзларини етакчи ёки бирор идоранинг раҳбари, деб танишлиришни яхши кўрадилар-у, нега қўл остидаги одамларнинг кўнглига қулоқ тутмайди? Бу гапларни бекорга айтаётганимиз йўқ. Оддийгина бир мисол: таҳририятимизга ҳар куни вилоятлардан ўнлаб шикоят мактублари келади. Ишонасизми, уларнинг асосий қисмини бир хўжаликнинг ўзида, борингки, туман ёки вилоят миқёсида ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммолар ташкил этади. Хўш, муаммо шунчалик кичик экан, уни мамлакат миқёсидаги газеталарда ёритиш шартми, деган мулоҳаза билдиришингиз табиий. Биз ҳам шундай деб ўйлаймиз. Лекин ўша мактуб йўллаётган одам маҳаллий раҳбарлар дардига қулоқ солмаётганини ёзса-чи?

Албатта, бундай шикоятларни беэътибор қолдириб бўлмайди. Уларни имкон даражасида ўрганиб чиқамиз. Айримларини мутасадди ташкилотларга юборамиз ёки газетада ёритамиз. Шундан кейин бизга жавоб келади: "Газетангизнинг фалон сонида ёритилган фалон сарлавҳали мақолада кўтарилган масала қисман тасдиқланди. Керакли чора-тадбирлар кўрилди"... Баъзан мақола эълон қилингач, баъзи таниш раҳбарлар қўнғироқ қилиб қолишади: "Шу гапни ёзиб юртга овоза қилиш шартмиди? Бир оғиз қўнғироқ қилиб қўйсангиз, жойида ҳал қилиб қўярдик"... Шундай пайтларда ўйланиб қоласан: Ҳей, барака топгур, шу масалани ўз жойида ҳал қиларкансан, қўл остингдаги одамни шунча овора қилиб нима қилардинг?.. Агар ўша шикоятчининг арз-додини ўз вақтида эшитганингда эди, у таҳририятга шикоят йўлламаган бўларди, ахир.

Бу ҳақда Юртбошимиз шундай деди:

**«... Бизнинг аксарият кўпчилигимизга хос бўлган, бизни заиф қиладиган бир хусусият, аниқроғи, бир камчилик борки, шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.**

**Айтайлик, бирон маҳалла ёки хўжалик, ё бўлмаса, бирон ташкилотнинг иши орқага кетса, шу жойдан файз-барака кўтарилса, одамларнинг кайфияти ёмонлашса, бунинг асосий сабаби — шу ерда бепарволик ва ундан ҳам баттари — лоқайдлик авж олганида десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди. Мана шундай қараш оқибатида жойларда муаммолар ечилмайди, имконият бўлатуриб, иш жойидан силжимайди. Бир қарасангиз, бунинг учун шароит ҳам, куч ҳам бор, лекин сафарбарлик йўқ, масъулиятни ўз бўйнига олиб, жон куйдирадиган одам йўқ.**

**Шу жойда яшайдиган одамлар билан, жамоатчилик билан гаплашсангиз, улар ҳам шу ҳақиқатга иқрор бўлади. Уларнинг афсус билан, ўша пайтда бизнинг кўзимизни очиб берадиган, шу мақсад йўлида ёндирадиган, бирлаштирадиган бир одам топилмади-да, деб айтишларига кўп гувоҳ бўлиш мумкин».**

Баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугуннинг раҳбари, бугуннннинг етакчиси энг аввало, халқига, юртига, ватан озодлиги ва ободлигига фидо бўла оладиган, ўз роҳатини эмас, элдошларининг фароғатини ўйлайдиган инсон бўлиши шарт. Бугун давр ҳар биримизнинг олдимизга жуда улкан вазифаларни қўйган — раҳбармисиз ёки оддий фуқароми — мақсад буюк мамлакатнинг порлоқ келажагини яратиш йўлида ёниб яшаш, фидокорона меҳнат қилиш керак.

**ТАҲРИРИЯТ**



Юртимиз манзаралари...







*21 феврал куни Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.*

*Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.*

***

*Вазирлар Маҳкамасининг "Тезкор тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.*

***

*Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг конференцияси бўлиб ўтди.*

***

*Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.*

***

*Наманганда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг амалга киритилганлиги муносабати билан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида фаолият кўрсатувчи суд ижрочиларининг минтақавий семинари бўлиб ўтди.*

* * *

*Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Литва Бош вазири А.Бразаускасга ҳамкорлик қилаётган литвалик ишбилармонлар иштирокида Ўзбекистон-Литва қўшма бизнес-семинари бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари учун ташкил этилган семинар-мунозара якунланди.*

* * *

*Афғонистон Муваққат ҳукумати ўз мажлисида илгари Зоҳир Шоҳнинг ёрдамчиси бўлган Залмай Расулни Ҳаво транспорти ва туризм вазири этиб тайинлади.*

* * *

*Япония ҳукумати Афғонистонга полиомиелитга қарши вакциналар юборишга қарор қилди.*

* * *

*Греция ҳарбийларининг илк гуруҳи тинчликпарвар контингентга қатнашиш учун Афғонистонга етиб келди.*

* * *

*Тинчликпарвар коалиция кучлари Афғонистоннинг шарқий ҳудудларига ҳаводан зарбалар берди.*

### Адлия тизими

## НАМАНГАН

Наманган вилояти адлия бошқармасига мурожаат этган Давлатобод туманида яшовчи хусусий тадбиркор Икромали Дадажонов буюртмачи — пудратчи сифатида Наманган вилоят капитал бошқармаси ҳамда бош пудратчи — Чортоқ туманидаги хўжалик ҳисобидаги механизациялашган кўчма корхона билан 2000 йил 7 август куни 38-сонли уч томонлама пудрат шартномаси тузилган. Ушбу шартномага асосан хусусий тадбиркор томонидан 2000 йил 26 август кунидаги 3-сонли ҳисоб-фактура билан Чортоқ туманидаги хўжалик ҳисобидаги механизациялашган кўчма корхонага жами 2.472.910 сўмлик металл конструкциялари ва буюмлари етказиб берилади. Шартноманинг 1.1-бандига кўра буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаб бориши, 2.2 бандига кўра буюртмачи пудратчининг ҳисобига шартнома маблағининг 15 фоизи миқдорида пул ўтказиб бериши, 3-бўлим 3.3 бандига кўра буюртмачи қурилиш монтаж ишлари тугагунга қадар 95 фоизга молиялаштирилиши, қабул қилиб олгандан сўнг қолган 5 фоизини амалга ошириш лозим бўлса-да, буюртмачи шартнома шартларини бажармай 2.472.910 сўм қарзидан 1.000000 сўм ўтказиб бериб, қолган қисмини тўламай келган. Бош пудратчи — Чортоқ ХХМКК корхонаси томонидан 2000 йилнинг 27 август куни Наманган капитал қурилиш бошқармасига 151-сонли хат билан мурожаат қилди. Бироқ буюртмачи 1.473.000 сўмни И.Дадажоновга ўз вақтида тўламайди.

Натижада хусусий тадбиркор бир неча ойлар мобайнида Наманган капитал қурилиш бошқармасига ҳақини олиш учун узлуксиз қатнайди. Лекин унинг корхона бош ҳисобчиси М.Болтабоевга бир неча бор қилган мурожаатлари ҳеч қандай самара бермайди.

Буюртмачи ҳамда бош пудратчи 1472910 сўм асосий қарзидан ташқари "Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига асосан шартнома мажбуриятларини бузган. Шунга асосан тўланмаган маблағнинг 15 фоизи миқдорида жарима ва тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз устама тўлаши лозим.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор маҳсулоти ҳақини ўз вақтида ололмаганлиги, ҳақини ундириш учун самарасиз қатнашлари оқибатида жисмоний ва руҳий томондан қийналиши оқибатида 50.000 сўм маънавий зарар кўрган.

Вилоят адлия бошқармаси Янгиқўрғон туманлараро фуқаролик судига ушбу даъво аризани кўриб чиқиш учун киритди. Мазкур суднинг 15 феврал 2002 йил кунидаги ҳал қилувчи қарорига асосан жавобгарлар — Чортоқ туман хўжалик ҳисобидаги механизациялашган кўчма корхона ва вилоят капитал қурилиш бошқармасидан асосий қарз бўлган 1.472910 сўмни И.Дадажоновга солидар тартибда тўлайдигна бўлди. Шунингдек, вилоят капитал қурилиш бошқармаси 736.455 устама 220.936 сўм жаримани ҳам хусусий тадбиркорнинг ҳисоб рақамига ўтказади. Учинчидан, капитал қурилиш бошқармаси бош ҳисобчиси М.Болтабоев ҳам хусусий тадбиркорга етказган маънавий зарари учун 50.000 сўм тўлайдиган бўлди.

# СЕН ЁНМАСАНГ, МЕН ЁНМАСАМ...

***Президентимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан олган таассуротларим***

Мен бир журналист сифатида Юртбошимизнинг аччиқ танбеҳларидан қаттиқ таъсирландим. Бугун Сурхон воҳасининг ўзига хос шароити, имкониятлари ҳақида эмас, балки ўзимизнинг "ноёб" феъл-атворимиз ҳақида гапиргим келаяпти. Хўп қизиқ табиатимиз бор. Президентимиз таъкидлаганидек, кўриб билиб турган ёқимсиз ишларни "айни муддао" дея олқишлаймиз-да, рост гапни чекка-чеккада ўзаро шивир-шивир гаплашамиз. Давлатимиз раҳбари 2002 йилнинг 21 февралда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида янги ҳокимни тайинлар экан, унга халқдан ажралмаган ҳолда, одамлар билан ҳамнафас, ҳамфикр яшаш, меҳнат қилишни уқтириши замирида улкан маъно-мазмун мужассам. Тўғри, собиқ ҳоким муайян вақт жон куйдириб ишлагандек бўлди. Қабулига келган аризачилар билан дастлаб эринмай суҳбатлашди ҳам. Аммо... унинг бу адолатпешалиги узоқ давом этмади.

Кўп ўтмай ўзи билан халқнинг орасига тўсиқ-парда тортди. Оддий фуқаролар кўз ўнгида бўлаётган адолатсизлик, қонунбузарликлар ҳақида вилоятда кимга арз қилишни билмай қолишди. Президент девонига йўлланган ариза-шикоятлар оқимининг кучайганлиги ана шунда! Юртбошимизнинг нутқида урғу берилган асосий қусур бу феълимиздаги лоқайдлик, текин томошага ўчлик ҳисси! Эҳ, нимасини айтасиз, Термизнинг ўзида тайёрлашнинг имкони бўлатуриб, майдон ва йўлакларга териладиган турфа шаклли плитачалару иморатларнинг ташқи деворлари учун бўёқларгача ҳамма-ҳаммаси ўта қиммат нархларда четдан келтирилди. Айрим хушомадгўй ташкилот раҳбарларидан буни қаердан олиб келаяпсизлар, деб сўрасангиз, мужмал жавобни олардингиз, холос.

Юртбошимиз тағин бир ҳолатни тўғри ва ҳаққоний таъкидлаб ўтди:

**"Вилоятда йўл қўйилаётган камчиликларнинг асосий сабабларидан бири кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишларининг тўғри ташкил этилмагани билан боғлиқ, деб ўйлайман. Охирги икки йил мобайнида вилоят қишлоқ хўжалик соҳаси раҳбарларининг ярмидан кўпи, Ангор, Музработ, Термиз, Шеробод туманларида хўжалик раисларининг 75-90 фоизи алмаштирилган".**

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда баъзи раҳбарларга шўро замонидан тузалмас, ўнгланиши мушкул бир "иллат" қолган. Бундай кимсалар лавозимга кўтарилгудек бўлса, албатта, ишни кадрларни алмаштиришдан бошлайди. Илгаридан ўзига ёқмаган қайсар ва ўжар кадрлардан "ўч олади". Чунки бундай "тадбир"ларни ўзидан бошқа ҳеч кимнинг суриштиришга ҳаққи йўқ.

Сессияда Юртбошимиз бугуннинг раҳбарига фақат билимдон, ишбилармон бўлишнинг ўзигина кифоя қилмаслигини алоҳида таъкидлади. Зеро, ўзи ҳам ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшамаса, бундай раҳбарнинг билимдонлиги ислоҳотлар тақдири ҳал этилаётган айни кунларда ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Воҳа раҳбари айнан қишлоқ хўжалиги соҳасининг билимдони бўлиши керак. У қишлоқ хўжалиги ва чорванинг аҳволини мутасаддилардан қанчалик қаттиқ туриб сўрамасин, вилоятда ушбу соҳалар тобора ортда қолаверди. Чунки биринчи раҳбарнинг билим ва салоҳияти бу соҳаларни ривожлантиришга айтарлик хизмат қилмади. Сессияда Президентимиз Сурхондарёнинг очилмай турган имкониятлари хусусида куюнчаклик билан гапирди. Бундай имкониятларни юзага чиқариш учун малакали мутахассис ва ходимлар сероб. Аммо уларни жой-жойига танлаб қўя оладиган жонкуяр раҳбар йўқ. Президентимиз бир галги ташрифида истиқлолнинг дастлабки йиллари ҳиндистонлик доришунослар билан ҳамкорликда очилган "Сурхон-Ажанта фарма ЛТД" қўшма корхонаси иши билан яқиндан танишган эди. Вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбарига "Сурхондарёнинг дашту тоғларида минг дардга даво бўлгувчи гиёҳлар кўпу нега хом ашёни Ҳиндистондан олиб келаяпсизлар?"-дея долзарб ва ҳаққоний савол берганди. Ушбу саволга то ҳанузгача тайинли жавоб бўлгани йўқ.

Сурхондарёликларнинг асосий тирикчилиги деҳқончилик ва ер билан боғлиқ. Аммо ҳалигача деҳқончилик маданияти шакллангани йўқ. Ишловчи билан иш ташкил қилувчи, ҳоким билан фермер, пахта етиштирувчи билан пахта тозалаш заводлари ўртасидаги адоқсиз низолар ҳалига қадар ҳуқуқий ечимини топган эмас.

Юртбошимизнинг нутқида вилоятда ишсизлар сони қирқ мингга етганлиги афсус-надомат ила таъкидланди. Сурхон воҳасида кичик ва қўшма корхоналар бунёд этишга қодир бўлган сармоядорлар, тадбиркорлар кам дейсизми? Ишбилармонлар serobу, аммо "отангга бор, онангга бор" қабилида саргардон этгувчи «тўралар» уларнинг ҳафсаласини пир қилиб қўйган. Шу боис тадбиркорлар осон ва енгил-елпи йўлни тутиб, чойхонаю, сомсахона қуришдан нарига ўтишмайди. Мен бугун муаммолар рўйхатига тўхталиб ўтирмоқчи эмасман. Балки мана шу олтин воҳанинг бир қаламкаш фарзанди сифатида кўнглимдан кечаётган эзгу ниятларни изҳор этмоқчиман. Халқимиз бахтига қўшнимиз Афғонистон заминида осойишталик бўй кўрсата бошлади. Худо хоҳласа, яқин келажакда Термиз шаҳри, Сурхон воҳаси мамлакатимизнинг дунёга очилган олтин дарвозасига айланажак. Кўҳна ва навқирон Термизнинг 25 асрлик тўйини ўтказамиз. Истардимки, шаҳар-қишлоқларимиз байрамлар, саналар арафасидагина эмас, балки ҳамиша обод ва кўркам масканларга айланиб қолсин. Бунинг учун эса сизу биз озгина ўз ҳаловатимиздан кечиб, шу азиз Ватан учун ёниб, ўзгаларни ҳам шунга ундаб яшашимиз керак!

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**

**Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Республика Ҳарбий прокурори**

# ҲАРБИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз прокуратура тизимидаги асосий бўғин ҳисобланган ҳарбий прокуратура ўзига хос тарихга эга. У Республика Прокуратураси ва Қуролли кучлари фаолияти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Гап шундаки, 1992 йилнинг 8 январида эълон қилинган Президент Фармонига биноан республика прокуратураси собиқ иттифоқ қарамоғидан олиниб, унга мамлакат ҳудудидаги ҳарбий қисм ва қўшинлар ҳарбий ўқув юртлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларда прокурорлик назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шу йилнинг 14 январ куни Олий Кенгаш Қарори билан мамлакатимиздаги ҳарбий қисм ва бўлинмалар қонуний асосда ратификация қилинди. Таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўз вақтида амалга оширилган оқилона тадбир Ўзбекистон ҳудудидаги қуролли кучлар тизимининг тарқалиб кетишига тўсиқ қўйди. Бу эса ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни талон-тарож этишнинг ҳам олдини олди. 1992 йилнинг 28 февралида Ўзбекистондаги барча ҳарбий прокуратура органларининг мустақил Республика Прокуратураси таркибига қўшилиши ҳақида Президент Фармонига имзо чекилди. Мазкур сана мамлакат ҳарбий прокуратураси тарихида янги саҳифа очди.

1992 йилнинг 3 июлда бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий негизини яратиш сари дастлабки қадам ташланди. Ушбу сессияда **"Мудофаа тўғрисида"**, **"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"** ҳамда **"Муқобил хизмат тўғрисида"**ги Қонунлар қабул қилинди. Ўша йилнинг 8 декабрида таркибида мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланган алоҳида боб ҳам бор бўлган Асосий Қонунимиз — Конституциямизнинг қабул қилиниши бу борада том маънодаги тамал тоши вазифасини бажарди. Шундан сўнг мазкур ҳуқуқий негиз асосида 1995 йилнинг 30 августда мамлакат ҳарбий Доктринаси қабул қилинди. 1996 йилнинг 9 октябрида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони томонидан Қуролли Кучларнинг **"Ички хизмат"**, **"Интизом"**, **"Гарнизон ва қоровуллик хизмати"** каби Низомлари тасдиқланди. Ушбу умумҳарбий Низомлар Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолияти, ҳарбий хизматчилар хизмати, ҳаёти ва яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳарбий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Қуролли Кучлар фаолиятида амалга оширилган ислоҳотлар ҳарбий прокуратура органларига ҳам тадбиқ этилди. Хусусан, ҳарбий прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилиб, 1993 йилнинг 17 май куни Република Бош прокурори томонидан мамлакат **«Қуролли кучлар ҳарбий прокуратураси тўғрисида»**ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низомга асосан Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратураси зиммасига Республика Мудофаа вазирлиги қисм ва қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ҳамда чегара қўшинларида прокурорлик назоратини амалга ошириш юклатилди.

Дастлабки йилларда ҳарбий прокуратура органлари тизими Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратураси, Тошкент, Чирчиқ, Фарғона, Термиз, Нукус, Самарқанд гарнизонлари, Ҳарбий Ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ҳарбий прокуратураларидан ташкил топди. Уларни фаолият кўлами ҳам унча катта бўлмаса-да, ҳудудий жиҳатдан кўплаб муаммолар мавжуд эди.

Бу эса мазкур соҳа ва Қуролли Кучлар тизимида босқичма-босқич ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатарди. Ана шу ҳаётий заруриятнинг натижаси ўлароқ Қуролли Кучлар тизимида янги ҳарбий тузилмалар ташкил этилди. Шунингдек, ҳарбий қўшинларнинг мамлакат ҳудудида қайта жойлашуви ҳам амалга оширилди. Бундай ўзгаришлар ҳарбий прокуратура органлари фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади, албатта. Янги гарнизон ҳарбий прокуратуралари тузилиши бунга яққол далилдир. Жумладан, 1995-96 йилларда янгидан тузилган Навоий, Бухоро, Қарши, Андижон ва Жиззах гарнизони ҳарбий прокуратураларининг фаолият юрита бошлаши соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичга чиққанининг далолати эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич чуқур ислоҳ қилиш жараёни Президентимиз таъбири билан айтганда, ягона мақсадни — ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилди ва оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

*Ҳуқуқий маърифат*

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

## ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИГА БИР НАЗАР

Мамлакатимизда инсон манфаати давлат ва жамият манфаатларидан устун ҳисобланади. **"Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун ҳам бу борада қўйилган дадил қадамлардан бири бўлди. Ушбу қонунга биноан Жиноят-процессуал Кодексини либераллаштириш бўйича 21 та моддага ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш бўлимига янги **"Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш"** тўғрисидаги 62-боб киритилди.

Бу ҳол: жиноят процесси иштирокчилари — айбланувчи, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ҳуқуқларини анча кенгайтирди. Жумладан, айбланувчининг жиноят процесси давомидаги ҳуқуқлари 16 тага, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари 11 тага, жабрланувчининг ҳуқуқлари эса 12 тага ошди. Шунингдек, жиноят ишини юритишда масъул бўлган шахс — терговчининг ваколати оширилди, яъни ЖПКнинг 36-моддасида терговчи тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги прокурорнинг кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда юқори турган прокурорга тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланди. Бу ўринда "тугалланган" деган сўз ЖПКнинг 83-84-моддаларида белгиланган масалаларни ўз ичига мазмунан қамраб олади, яъни шахсни реабилитация қилиш ёки айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай жиноят ишини тугатиш маъносини ифодалайди. Бундай ҳолатни ЖПКнинг 373-моддасида ҳам кўриш мумкин. Чунки айнан шу моддада жиноят ишини тугатиш бўйича прокурор билан терговчининг мунозарага киришуви қайд этилган.

Қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш шартларининг ўзгарганлиги ҳам инсонпарварлик тамойилларига тўла мос келади. Бундан буён эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят Кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят Кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши ҳам мумкин.

Агар айбланувчи вояга етмаган шахс бўлса, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атвори бўлишини бошқа турдаги эҳтиёт чораси таъминлай олмаган ҳолларда қўлланилади.

Шунингдек, дастлабки терговда айланувчини қамоқда ушлаб туриш муддати уч ой деб белгиланди. Терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурори ҳамда унга тенглаштирилган прокурор томонидан бу муддат беш ойгача узайтирилиши мумкин.

Қамоқда сақлаш муддатини етти ойгача узайтириш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан, тўққиз ойгача узайтириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, тергов қилинаётган ишнинг ўта мураккаблигини инобатга олиб, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан қамоқда сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Бу муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди.

Бизнингча, дастлабки тергов муддатини уч ой деб белгиланиши терговчига имкониятдан кўра кўпроқ масъулиятни юзага келтиради, чунки жиноят ишини қўзғатиш билан айбланувчини фош этиш ва ҳақиқатни тўла рўёбга чиқариш қанчалик тезкорлик билан амалга оширилса, ишнинг натижаси ҳам шунчалик самарали бўлади.

Мазкур қонун бўйича биринчи марта судлар фаолияти учун муддат белгиланди. Бунга кўра, жиноят ишини судга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқиши билан етти суткада суд мажлиси белгиланиши ва икки ой давомида иш мазмунан кўриб, ҳал қилиниши лозим. Бу муддатни Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий Суди тўрт ойгача, Республика Олий суди раисининг ўринбосари беш ойгача ва Олий суднинг раиси олти ойгача узайтириши мумкин. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтсак. Бизнингча, жиноят процессидаги жиноят ишини судга тайёрлаш ва айбланувини судга бериш жараёни янгидан ишлаб чиқилиши керак. Бунга кўра судья томонидан айбланувчини якка тартибда судга бериш ва бошқарув мажлиси томонидан бу масалани ҳал қилиш қайта тикланиши лозим. Чунки судларда ишларни кўриш муддатининг жорий қилиниши ишни дастлабки терговга қайтариш ёки жиноят ишини тугатиш учун асослар бўлганда, жиноят ишини сансалор бўлишига янада қўл келади. Жиноят-процессуал Кодексининг 401-моддасига биноан бу масала жиноят ишини судга тайёрлаш босқичида эмас, балки суд мажлисида ҳал қилинади. Бизнингча, бошқарув мажлисини қайта тиклаб, унга жиноят ишини дастлабки терговга қайтариш, дастлабки терговни тугатиш ваколатлари берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Агар жиноят ишини судга тайёрлаётган судья ишни суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарли эмас деб топса, айблов хулосасига эътирози бўлса, унга ушбу масалаларни ҳал қилишни бошқарув мажлисидан сўраш ваколати берилса, аввало, судларимиз камчиқим ва ишни тез муддатда ҳал қилиш имкониятига эга бўлади, иккинчидан, процесс иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари ўз вақтида таъминланади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича Жиноят-процессуал Кодексига 62-бобнинг киритилиши инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва шаънини шарқона усуллар билан ҳимоя қилиш имкониятини яратади, дейиш мумкин. Жабрланувчи биринчи маротаба жиноятдан кўрган моддий, маънавий ва жисмоний зарарларини қопланди деб ҳисоблаб, 26 турдаги жиноят бўйича судланувчининг узрини қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига тўла иқрор бўлиши; етказилган моддий, жисмоний ва маънавий зарарлар тўла қопланиши; жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини кечириши; жабрланувчининг кечириши, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг иқрорлиги ихтиёрий равишда бўлиб, ҳеч қандай тазйиқ бўлмаслиги; ярашувчиликда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи илгари судланмаган, биринчи маротаба Жиноят Кодексининг 66 (1) – моддасида белгиланган жиноятлардан бирини содир қилган бўлиши керак.

Ярашув жараёни қўзғатилган жиноятлар ишлари бўйича амалга оширилиб, судья маслаҳатхонага киргунга қадар ҳал қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёни умуминсоний тамойиллар ҳамда миллий замин негизига таянилган ҳолда давом эттирилмоқда. Жумладан, жиноят процессуал қонунчиликда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бунинг далилидир.

**Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА,**
**ТДЮИ кафедра мудири**

*Оталар дейдики:*

***Мутакаббур одамдан қўрқинг. Давлатмандлардан гина қилманг. Ҳеч кимга, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин зулм қилманг.***

* * *

***Илмли кишиларни улуғланг. Ўқиш-ўрганишдан ор қилганларни ҳақиқий одам сафига қўшманг. Тансиқаликни тилни тийишда деб билинг. Ростгўй бўлинг ва номаъқул сўз сўзламанг.***



*Баҳорнинг илк даракчилари*

# "ПАРВО ҚИЛМА, БЕПАРВО ҲАМ БЎЛМА!.."

## ЁКИ ҚАРЗ БЕРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида кимдир тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида, яна кимдир бошқа ниятда дастлабки сармоя учун ёки бошқа турли сабаблар билан қарз олишига тўғри келади. Бироқ савоб топаман деб қарз берган ва оқибатда куйиб қолганлар, бошқача айтганда, қўл билан бериб оёғи билан югуриб юрганлар, қарз орқасидан ҳатто жиноятга қўл урганлар ҳам учраб туради. Бунинг устига иши юришмай қолса, қарз айтилган муддатда қайтарилмаса, кимдир номардлик қилиб, яна кимдир товламачилик йўли билан қочиб юради.

Албатта, қарз бериб одамгарчилик қилиш, кимнингдир ҳожатини чиқариш савоб иш. Лекин савоб топаман деган одам куйиб қолмаслиги, савобнинг таги тешик чиқмаслиги керак-да!

Хўш бунинг учун нима қилиш лозим?

Қарз беришнинг ҳам қонуний йўллари мавжудми?

Бундай ҳолат юзага келмаслиги учун, аввало, қарз олиш шартномаси-битими нотариал идораларда расмийлаштирилиши керак. Шундай қилинганда қарздордан қарзни ундириб олиш осон ва ҳуқуқий кафолатланган бўлади. Битим тузишда эса нотариус томонидан ҳар икки томоннинг шахси, уларнинг доимий яшаш манзили аниқланадиган ҳужжат-паспорт асосида ўрганилиб, икки томонга ҳам ҳуқуқий масъулият ва кафолатлар тушунтирилади. Агар қарз белгиланган муддатда қайтарилмаса, нотариал идоранинг ўзи қарз олувчини огоҳлантиради, зарур ҳолатда суд орқали қарзни ундириб бериш чорасини кўради. Шу ўринда айтиш жоизки, халқимиз менталитетида ўзаро ишонч, ҳурмат, юзхотир кучли. Аммо парво ҳам қилма, бепарво ҳам бўлма, деган пурмаъно фикрни ҳам унутмаслик лозим. Шундай экан, бу каби масалаларда ҳар қандай юз-хотирни йиғиштириб, андиша қилмасдан, қарз шартномасини расмийлаштириш ўринли бўлади. Бу борада фуқаролар қарз шартномасини расмийлаштириш учун тўланадиган умумий қарз суммасининг ўн беш фоизлик давлат божидан "қизғанади". Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қарз берувчи-ю қарз олувчи учун ушбу нотариал ҳаракатни ҳуқуқий расмийлаштириш баравар фойдали ва манфаатлидир.

Шу ўринда қарз шартномаси ва унинг миқдори ошкор қилиниши мумкинми ёки йўқми, деган савол туғилиши мумкин. Айтиш керакки, **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонуннинг 6-моддасига биноан содир этиладиган ҳар бир нотариал ҳаракат сир тутилади. Буни ошкор этганлик учун ҳуқуқий масъулият белгиланган.

Яна шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, берилган қарзни ундириб олиш бўйича даъво аризаси билан мурожаат этиш муддати қонунда 3 йил қилиб белгиланган.

Баъзан ҳаётда тилхат билан қарз бериб, шундан сўнг уни ундиролмай юрган кишилар ҳам учрайди.

Албатта қарз беришнинг шундай йўли бор. Судда зарур бўлса, тилхат ҳам инобатга олинади. Лекин тилхат кейинчалик турлича талқин қилиниши, суд ишини чалғитиши имкониятлари туғилиши мумкин.

Шунинг учун қарз беришнинг энг ишончли ва кафолатли йўли — бу нотариал идорада расмийлаштиришдир. Шундагина қарз берган киши ҳар қандай ҳолатда ҳам куйиб қолмайди.

**Сабохон УМАРОВА,**
**нотариус**

*Журналист суриштируви*

# ТЕМИР САНДИҚДА САРҒАЙГАН ҲУЖЖАТ

Ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса керак, газетамизнинг 2001 йил 18 декабр сонида **"Одамлар нега шикоят ёзадилар?"** сарлавҳали учинчи мақола чоп этилганди. Мақолада таҳририятга фуқаролардан тушган ариза-шикоятлар қатори Самарқанд вилояти, Булунғур тумани "Булунғур" ширкат хўжалигида яшовчи Бувсара Қўшиева хатининг мазмуни баён қилиниб, ундан парча келтирилган эди.

Хусусан, унда турмуш ўртоғи вафот этгандан сўнг Б.Қўшиеванинг тинчи бузилгани, эрининг қариндошлари уй-жойни тортиб олмоқчи бўлишгани ҳақида ёзилганди. Бу адолатсизликдан ранжиган аёл туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Ҳокимликда улар яшаб келган уй ноқонуний қурилган, шунинг учун уйни бузиб қайнота-келинга қурилиш материалларини бўлиб бериш керак, деган хулосага келинган.

Бирон-бир амалий иш қилинмагач, Б.Қўшиева Булунғур туман судига даъво ариза берган. Бундан ҳам натижа чиқмагач, вилоят судига арз қилган. У ердан иш қайта Булунғурга жўнатилган. Маълумки, 2001 йилнинг январидан фуқаролик судлари ташкил этилган. Шунга кўра, Булунғур туман жиноят ишлари суди Б.Қўшиеванинг даъво аризасини кўриб чиқиш учун Тойлоқ туман фуқаролик ишлари судига оширган. Тойлоқдан иш Жомбой туманлараро фуқаролик ишлари судига кўчган. У ердан эса яна Булунғур туман ҳокимлигига ҳавола этилган.

Хуллас, 2000 йилнинг 5 майидан буён Бувсара Қўшиева сарсон. Эшикма-эшик ўз мурожаатига жавоб излайди. Жавобдан эса...

Б.Қўшиеванинг шикоят хати газета юзини кўрганига икки ой бўлди. Ўтган вақт ичида Булунғур туман ҳокимлиги, суд, ҳуқуқ-тартибот идораларидан таҳририятга ақалли бир энлик расмий жавоб йўллашни эп кўришмади. Эҳтимол, гарчи таҳририят жавоб олмаган бўлса-да, аризачининг талаби қондирилган ёки унга жўяли бир жавоб берилгандир, деб ўйларсиз. Рости гап, биз ҳам аввал шундай фикрда эдик. Бироқ Б.Қўшиеванинг таҳририятга иккинчи маротаба ёзган шикоятини ўқиб, таажжубга тушдик. Наҳотки, эридан бевақт ажралган бева аёлнинг арз-додини тинглайдиган одам топилмаса? Ёш болали аёлнинг сарсончилигига барҳам беришга икки йил камми? Ёхуд унинг шикоятини ҳал этиш шунчалик жумбоқли, чигал муаммоми?

Қисқаси, таҳририят Бувсара Қўшиеванинг шикоят хати юзасидан журналист суриштируви ўтказиш, масалага ойдинлик киритишни лозим топди.

Қуйида ана шунинг тафсилотларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Хатимда ёзганимдек, 1993 йилда Дўстмуҳаммад Қўшиевга турмушга чиққандим, — дейди Бувсара опа. — Мен келин бўлиб тушган уйни қайнотам билан ўғли қурган экан. Биз кўчиб кирган пайтимизда уй пахса девор билан қурилиб, усти шиферланган эди. Етти йил — 2000 йилнинг март ойигача, яъни эрим вафотига қадар бирга яшадик, уч фарзандли бўлдик. Бу орада уйларни пол қилдик. Эшик-дераза қурдирдик. Ошхона, молхона, сомонхонани тикладик. Икки юз туп терак экиб, парваришладик. Уйнинг газ, электроэнергия, солиқ тўловларини тўлаганмиз.

Болаларимнинг отаси вафот этгач, қариндошлари сиғдиришмади. Акамникига, онамнинг олдига кўчиб кетишга мажбур бўлдим. Туман ҳокимлигига мурожаат қилгач, билдимки, биз яшаб келган уй қонунсиз қурилган бўлиб, ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан. Ҳокимиятдагилар судга бор, ишинг судда ҳал бўлади, дейишади. Судга борсам, ҳокимиятга бор, ёрдам беради, деб жўнатишади. Жомбой туманлараро фуқаролик ишлари суди судьяси М.Салоҳиддинов ҳатто бир марта ҳокимиятга ўзи келиб, низомиз шу ерда ҳал бўлишини туман бош архитектори Сиддиқ Абдужалиловга айтиб ҳам кетганди. Лекин С.Абдужалилов бу менинг ваколатимга кирмайди, деб яна судга боришим лозимлигини тайинлади. Туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Камол Носиров ҳузурига кирдим. "Бизга нима дейсан, судга бор, ишингни суд ҳал қилиб беради", — дея у ночор қайтарди.

— Қонун устуворлиги, — дейди биз билан суҳбатда К.Носиров, — қачонки одамлар қонунларни мукаммал билиб, унга амал қилгандагина таъминланади. Бувсара Қўшиева ҳам қонунни билмаганлигидан юқори ташкилотларга хат ёзиб юрибди. Бизга боғлиқ жойи йўқ. Унинг талаби судда ҳал бўлади-да.

Афсуски, ҳаётда лоқайдлик, ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараш сингари иллатлари учраб туради. Агар ана шундай иллатлар бўлмаганда, Б.Қўшиеванинг арзи атрофида бунчалик сансоларлик юзага келмасди. Жомбой туманлараро фуқаролик ишлари судининг 2001 йил 9 апрел куни судья М.Салоҳиддинов раислигида ўтказилган суд мажлисида даъвогар Б.Қўшиевани жавобгар Ўрозмат Қўшиевга нисбатан "Уй-жойни қуришга сарфланган харажатларни ундириш ҳақида"ги ажримни ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

"Даъвогар Қўшиева Бувсара даъвоси юзасидан у турган уй Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасидаги қонунларига ва уй-жойга бўлган шахсий мулк ҳуқуқлари талабларига жавоб бермайдиган уйларни бузишлик ҳокимликларга юклатилганлиги сабабли уйни бузиб, қурилиш материалларини даъвогарга олиб беришлик Булунғур туман ҳокимлигига юклатилсин.

Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида Жомбой туманлараро фуқаролик судига 1 ой ичида маълумот берилсин.

Булунғур туман ҳокимлигидан кўрилган чора-тадбирлар келгунга қадар иш иш юритувидан тўхтатилсин".

Ажрим нусхаси Жомбой туманлараро фуқаролик ишлари суди девонхонасидан 2001 йил 13 апрелда алоқа хати орқали чиқиб, туман ҳокимлиги умумий бўлимида 16 апрелда 502 рақам билан рўйхатга олинган. Эътибор берган бўлсангиз, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида судга бир ой ичида маълумот бериш кўрсатилган.

Аммо орадан ўн ой ўтибдики, суд сўровига туман ҳокимлиги томонидан маълумот берилмаган. Буниси ҳам етмагандек, ҳанузга қадар суднинг ажрим нусхаси туман ҳокимлиги умумий бўлими темир сандиғида "музлаб" турибди. Чамаси, ҳокимиятдагилар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал Кодекси 16-моддасида **"Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим"**, деб қайд этилганидан бехабар кўринади.

Суд ажрими ҳокимиятга келиб тушгач, орадан юз кун ўтиб, 2001 йил 26 июлида Булунғур туман ҳокимининг "Жомбой туманлараро фуқаролик судининг 2001 йил 9 апрелдаги ажрими ҳақида" 686-рақамли қарори қабул қилинган. Қуйида унинг қарор қисмини келтирамиз:

**"1. Жомбой туманлараро фуқаролик судининг 2001 йил 9 апрелдаги ажримига асосан "Ғалаба" ширкат хўжалигининг Оқ қовун қишлоғида фуқаро Қўшиев Ўрозмат томонидан ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой фуқаро Қўшиев Ўрозмат ҳисобидан бузиб ташлансин ва қурилиш материаллари фуқаро Қўшиева Бувсара ва Қўшиев Ўрозматларга қолдирилсин.**

**2. Мазкур ноқонуний қурилган уй-жойни бузишда ва бузилган қурилиш материалларини тақсимлашда ишчи гуруҳи тузилсин ва иловага асосан тасдиқлансин.**

**3. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К.Носиров зиммасига юклатилсин.**

**Туман ҳокими: муҳр Х.Боймуродов".**

*(Давоми тўртинчи бетда)*

*Таҳрирсиз мактуб*

# «КЕНГАЙМАГАН» ЙЎЛ

## ёки яна ер можароси хусусида

Мен 1994 йилда Асака шаҳрининг Шаҳрихон ва Ғулом Ёқубов номидаги кўчалари чорраҳасида жойлашган (Шаҳрихон кўчаси 47-уй, 8-хонадон) уйни фуқаро М.Кисилевдан нотариал гувоҳлантирилган шартнома асосида ўғлим Азизбек Собиров номига сотиб олиб берганман. Олди-сотди шартномасига мувофиқ уйнинг кўча қисмидаги 46 квадрат-метр ер майдони ҳам бизга қарашли бўлиб, ертўла, сўри, ёзлик ошхона, бостирмалардан иборат эди. Кейинчалик ўғлим билан маслаҳатлашиб, бу ер майдонига савдо дўкони қуриш мақсадида бўлажак қурилишга розилик сўраб, Асака шаҳар ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилдим. Иккинчи марта мурожаат қилганимдан сўнг 1996 йил 7 март куни ҳокимликдан жавоб олдим. Рад жавоби ёзилган мактубда биз сўраган ер майдони шаҳарнинг бош режаси асосидаги "йўл кенгайиши" ҳисобига кўрсатилиб, қурилишга ҳозирча рухсат этилмаслиги айтилган эди. Бироқ ўша йилнинг сентябр ойида Қобил Иминов деган шахс келиб, менга қарашли ер майдонидаги мевали дарахтларни кесиш ва қўшимча қурилишларни бузишни талаб қилди. Сабаби — унга шаҳар ҳокимлиги шу ерга савдо дўкони қуришга рухсат берибди.

Биз қўшнилар билан норозилик билдириб, бу ҳақда шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик. Аммо бу ҳаракатларимиз натижасиз қолдирилди. Бу ёқда Қ.Иминов дўкон қурилишини бошлаб юбориб, уч қаватли иморат солди. Менга уйим ва бир сотих атрофидаги майдон қолди.

1999 йил ноябр ойида ўзимга тегишли ер майдонига кичик ошхона тикладик ва Асака шаҳар солиқ назоратидан патент олиб, иш бошладик. Орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, Қ.Иминовнинг қариндоши Мирзағолиб Иминов келди ва биз ишлаб турган ошхона ерлари савдо дўконига қўшимча қилиб бинолар қуриш учун зарурлигини, бу жой эвазига янги қурилаётган деҳқон бозорининг мен истаган жойдан ер ажратиб беришини айтди. Мен эса бозордан ер майдони олган тақдиримда ҳам қурилиш қилишга имкониятим йўқлиги, шунинг учун тор бўлса-да, шу ерда ишлашимни тушунтирдим. У бу гапларимдан норози бўлиб, қайтиб кетди. Орадан 2-3 кун ўтиб, шаҳар солиқ назорати раҳбари ходимлари билан келди ва ошхонани ёпиш ҳақида буйруқ берди. Ўзи берган патентни тортиб олишни ҳам унутмади. Шу йўсинда ошхона ишлашдан тўхтади ва уни ривожлантириш учун олинган банк кредити ҳозиргача тўлангани йўқ. Топталган ҳуқуқимни тиклашни сўраб, шаҳардаги барча юқори тегишли ташкилотга мурожаат қилдим. Барибир ижобий натижа чиқмаяпти.

Ҳурматли таҳририят!

Бу каби ҳуқуқбузарликларга чек қўйилишида матбуотнинг ўзига хос ўрни борлигини биламан ва сизлардан ёрдам кутаман.

**Равшан СОБИРОВ,**
**Асака тумани**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

***Ўқиганингиздек, мактубда Р. Собиров ўзига тегишли ер майдонининг катта қисмига ака-ука Иминовларнинг ноқонуний эгалик қилиб олганлиги ёзилган. Бу фақат Р. Собировнинг гапи ва далиллари бўлганлиги боис, биз иккинчи томоннинг ҳам бу хусусдаги фикрларини билишни истадик. Ўйлаймизки, улар ҳам ўз фикрларини айтадилар.***

*Митти маслаҳат*

# ИТ САҚЛАШ ҚОИДАСИ

Мушук, ит каби уй ҳайвонлари азал-азалдан одамзоднинг доимий ҳамроҳи ҳисобланади. Шу боис хонадонида ана шу ҳайвонларни сақловчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Аммо уларни қандай сақлашни ҳамма ҳам билади дейиш қийин. Албатта бу гап ким учундир анчайин эриш туюлар. Ваҳоланки, айрим юқумли касалликлар, айниқса, қутуриш касаллиги айнан шу ҳайвонлар орқали юқадики, бунга асло бепарво муносабатда бўлиш ярамайди. Бу ҳол қонунчиликда ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 110-моддасида ит сақлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модда моҳиятидан келиб чиқиб айтиш жоизки, ўз итини назоратсиз, яъни бўш қўйган ҳолда саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказмасдан, аҳолининг нотинч, безовта бўлишига олиб келувчи ҳолатда сақлагани учун ит эгалари жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда масъул мансабдор шахслар ҳам "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонун талабларини ижро қилмагани ва тегишли тартибдаги тушунтириш ишларини олиб бормагани учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳайвонларни сақлаш масаласига шариат илмида ҳам катта эътибор берилган. Муқаддас ҳадисларда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи вассаллам 5 та жонзотни ўлдириш лозимлигини таъкидлаганлар. Булар сирасига сичқон, олақарға, илон (айрим ҳолларда чаён ҳам дейилган), калхат, қопағон ва қутурган ит киради.

Демак, ҳам тиббий ҳам диний нуқтаи назардан ит сақлашда ниҳоятда эҳтиёткорлик, энг асосийси — қаттиқ назорат даркор. Зеро, ўз ҳузури ва мол-мулкини ўйлаб, бошқаларга нотинчлик бағишлаш ёхуд хавф-хатар туғдириш жиноят ҳисобланади.

Шу боис у қонунчиликда ҳам, шариатда ҳам диққат-эътиборни тақозо этади.

*Жаҳон тажрибаси*

# НОҚОНУНИЙ ОЛИНГАН ДАРОМАД

## УНГА ҚОНУНИЙ ТУС БЕРИШ МУМКИНМИ?

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, бир қатор етук ҳуқуқшунос олимлар, судьялар мунтазам равишда қонун чиқарувчи ҳокимият олдига жиноий-ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш масаласини қўйиб келганига гувоҳ бўламиз. Мазкур жиноий-ҳуқуқий меъёрларни қабул қилишдан кўзланган мақсад эса, жиноий жазо чораларининг самарадорлигини янада ошириш, илгари яширин турлардан деб қаралган пулларни фош этиш, яъни ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик масаласи ўрганиб чиқишдир.

Биз қуйида бир қатор тараққий этган хорижий давлатларда ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик масаласи ва уни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Дунёда ривожланган давлатлардан бири саналган Германияда ноқонуний олинган даромадларни қонунлаштиришга қарши курашга энг муҳим масалалардан бири деб қаралади. Бу фикримизнинг исботи тариқасида мамлакатда 1992 йил 15 июлда **"Гиёҳвандлик моддаларининг яширин савдоси ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши кураш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинганини келтириб ўтиш ўринлидир.

Шу билан бирга Германия 1993 йил 22 декабрда БМТнинг "Гиёҳвандлик ва одам руҳиятига таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш тўғрисида"ги Вена Конвенциясига қўшиилиши ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлардан дарак беради.

Мазкур қонунга биноан Германия Жиноят Кодексига **"Пулларни ошкоралаштириш, ноқонуний олинган мулкий бойликларни яшириш учун жавобгарлик"** деб номланган янги таҳрирдаги 261-модда киритилди.

Бундан ташқари 1993 йил 25 октябрда ГФРда **"Оғир жиноий ҳаракатлардан олинган даромадларни аниқлаш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг мақсад-моҳияти эса Европа Кенгашининг 1991 йил 10 июндаги "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкор қилиш мақсадида молия тизимидан фойдаланишга тўсқинлик қилиш тўғрисида"ги дастуридаги жиноий даромадларни ошкоралаштириш ҳаракатларини малакалаш, жавобгарликка тортиш ва жавобгарликдан озод этиш масалалари ҳамда Германия Жиноят Кодексининг 261-моддасига мувофиқ жазо қўлланиладиган жиноий фаолият фактларни ошкор этишнинг кўпгина жиноий-ҳуқуқий меъёрларини амалда тадбиқ этилишига қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Германия жиноят қонунчилигидаги 261-моддаси "Пулларни ошкор қилиш, ноқонуний олинган мулкий бойликларни яшириш", деб номланади.

АҚШда ҳам ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик масаласига доир бир қатор қонунлар қабул қилинган. Айниқса, БМТнинг 1994 йил 18-20 июн кунлари Италиянинг Курмейер шаҳрида ўтказилган жиноий йўл билан топилган даромадларни ишлатиш ва уларга қонуний тус бериш борасидаги жиноятларнинг олдини олишга бағишланган Конференцияда АҚШда қабул қилинган қонуннинг маъно- моҳияти, вазифалари тўғрисида батафсил сўз юритилади.



Италия давлати ҳам бу масаладан мустасно эмас. Хусусан, мамлакатда бу борадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқдаки, бу ўз навбатида жиноий йўл билан қўлга киритилган маблағларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик масаласига тааллуқли миллий ва халқаро андозаларда мос курашни ташкил этиш учун қонун қабул қилинишига имкон яратди.

Мамлакатда бу борадаги қонунларга асосан нотаруслар ва шаҳар клерклари (ходимлари) компанияларнинг маблағлари ва акцияларнинг ҳаракатлари ҳамда тижоратчилар ўз лецензияларини қилишлари тўғрисида юқори турувчи полиция органини хабардор қилишлари шарт эканлиги қайд этилган.

Бундан ташқари Италиянинг амалдаги жиноят қонунчилигида "сотиб олинган товарлар, уларнинг эгалари "мафия" сингари гуруҳлар билан бирга жиноий йўл билан топилган маблағлари ҳам мусодара қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Буюк Британияда ҳам бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик масаласини қатъий белгилаб қўйиш тўғрисидаги фикрни илгари сурадилар. Жумладан улар илгари сурган таклифларда жиноий йўл билан топилган даромадларни мусодара қилишнинг янги шакл ҳамда усулларини ишлаб чиқиш лозимлиги, айни шундай нопок йўл билан топилган маблағларни уюшган жиноятчиликка қарши курашга сарфлаш мақсадга мувофиқлиги ўз ифодасини топган.

Ана шундай усуллардан бири 1990-91 йилларда жиноий йўл билан топилган даромадларни аҳолини уй-жой билан таъминлашга сарф қилиш учун мусодара қилинганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари Буюк Британия ҳам ўз навбатида 1993 йил БМТнинг бу борадаги жиноятларни олдини олишга қаратилган Конвенцияларига қатнашган.

Япония давлати ҳам нопок йўл билан топилган пулларни ошкор қилиш, жиноий йўл билан қўлга киритилган маблағларга қонуний тус берганлик учун жавобгарлик масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Чунки мамлакатда айни шундай жиноятлар оқибатида гиёҳвандлик ва одам руҳиятига таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний айланиш ҳолатлари келиб чиқмоқда.

Япониялик ҳуқуқшунослар бу борада илгари ҳам ўз фикрларини билдириб келган. Сўнгги йилларда эса бундай жиноятларнинг олдини олиш мақсадида Япония давлати ҳам ўзининг бир қатор таклиф-мулоҳазалари билан чиқмоқда.

Кипр давлати ҳам бу борадаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида муҳим қадам ташлади. Жумладан, мамлакат парламентининг қуйи палатаси 1996 йилда **«Алоҳида жиноий ҳаракатлар содир қилиш натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш, тергов қилиш ва уларни яширишни тартибга солиш тўғрисида»**ги Қонун лойиҳасини муҳокамага қўйди.

Бу қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад — турли хил оғир жиноятлар ҳамда ноқонуний даромадларга қонуний тус беришнинг олдини олишдир.

Бундан ташқари Кипр давлати ушбу жиноятларнинг олдини олишни осонлаштириш мақсадида марказий банк тизимидаги фаолиятни кенг йўлга қўйди. Жумладан, бу даромадлар қай тарзда, кимлар томонидан келаётганини аниқлаштириш мақсадида алоҳида файллар тизимини йўлга қўйди.

1994 йилда эса Кипр давлати бундай жиноятчиликкка қарши курашадиган махсус ходимларни тайёрлайдиган курслар очиш ва уларни барча зарур маълумотлар билан таъминлашни йўлга қўйди.

Биз юқорида хорижий давлатларда ноқонуний олинган даромадларга қонуний тус берганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи ва бу борадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида мухтасар фикр юритдик.

Албатта, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, ҳеч шубҳасиз, амалдаги қонунларимизни янада мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**ҳуқуқшунос**

